

КРЕДИТНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БОШ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ №М03-09/01-14/003

Мазкур Кредитни суғурта қилиш Бош суғурта шартномаси Умумий суғурта соҳасининг 1 ва 14 суғурта класслари доирасида ишлаб чиқилган.

Гиждувон т.

2022 й. «20» январ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил «29» майдаги СФ №00242-сонли лицензиясига эга, қуйи матнда «Суғурталовчи» деб аталувчи масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XALQ SUG'URTA» суғурта компанияси номидан Низом ҳамда 2021 йил 21-декабрдаги №80-сонли Ишончнома асосида фаолият юритувчи Бухоро вилоят филиали Гиждувон туман андеррайтери Х.М.Ниёзов бир томондан ва кейинги ўринларда «Банк» деб аталувчи АТ «Халқ Банк» Гиждувон филиали номидан 2021 йил 15 апрелдаги № 03-2/18/34 Ишончнома асосида фаолият юритувчи бошқарувчи Н.Ш.Исокулов бошқа томондан кредитни суғурта қилиш Бош суғурта шартномасини (кейинги ўринларда суғурта шартномаси деб юритилади) қуйидаги мазмунда туздилар:

1-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур суғурта шартномаси шартлари, қўшимча келишилган шартлар, истиснолар ва иловаларга мувофиқ, суғурта мукофотини мазкур суғурта шартномасида кўрсатилган миқдор ва муддатларда тўланилиши эвазига Суғурталовчи шартноманинг 3.1.1-бандида кўрсатилган суғурта ходисаси натижасида юзага келган Суғурта қилдирувчининг зарарини Суғурта қилдирувчига 3.1.2- бандида кўрсатилган суғурта ходисаси бўйича суғурта копламасини Қарздорга (вафот этганда унинг меросхўрларига) мазкур суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва миқдорда қоплаш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур суғурта шартномасининг 3.1.1- банди бўйича юзага келадиган мажбуриятлар бўйича кафиллик, кафолат ҳамда гаровга оид қоидалар тадбиқ этилмайди.

1.3. Мазкур суғурта шартномаси ва унинг асосида бериладиган суғурта полислари юзасидан вужудга келадиган мажбуриятлар суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва шартларда мазкур суғурта полисларида белгиланган суғурта пули доирасида тўлангандан сўнг бажарилган ҳисобланади.

1.4. Бир қарздор учун энг юкори кредит суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 300 (уч юз) бараваригача бўлган миқдорда берилади.

1.5. Мазкур суғурта шартномаси бўйича умумий суғурта пули миқдори 5 000 000 000 (Беш миллиард) сўмни ташкил қилади.

2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

2.1. Ушбу суғурта шартномасида қўлланиладиган атамалар, агар алоҳида ёзма равишда келишилмаган бўлса, қуйидагича таърифланади:

Суғурталовчи – мазкур суғурта шартномаси шартлари бўйича суғурта копламасини амалга ошириш мажбуриятини қабул қилувчи суғурта компанияси бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Суғурталовчи номидан унинг филиал ва бўлинмалари суғурта фаолиятини амалга оширади.

Суғурта қилдирувчи – суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган ва суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига кирувчи, ўзининг мулкый манфаатларини суғурталаётган шахс. Мазкур суғурта шартномасининг кредит қайтмаслиги (14-класс) қисми бўйича тижорат банклари, бахтсиз ходиса (1-класс) қисми бўйича кредит олувчи жисмоний шахслар “суғурта қилдирувчи” деб эътироф этилади.

тўлов санасидан эътиборан ҳисобланадиган кетма-кет календарь кунлари сони. Мазкур суғурта шартномаси бўйича кутиш даври «90» кун.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Мазкур суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

3.1.1 Қарздор томонидан кредитнинг асосий қисмини тўлиқ ёки қисман қайтариш бўйича мажбуриятларини қуйидаги ҳодисалар натижасида ўз вақтида бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги:

А) Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги;

Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги бўлиб, ушбу Бош суғурта шартномасининг 4-бўлимида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, суғурта муддати давомида қарздорнинг бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этиши ёхуд доимий тўлиқ меҳнатга умумий лаёқатини йўқотиши (ногиронлик, ҳар қандай турдаги меҳнат фаолияти билан бошқа шуғулланиш имкониятини йўқотилиши) оқибатида кредит бўйича асосий қарзни тўлай олмаслиги ҳисобланади.

Б) Узоқ муддат тўламаслик.

Узоқ муддат тўламаслик бўлиб, Бош суғурта шартномасида кўрсатилган Кутиш даври ўтгандан кейин Қарздор Суғурта қилдирувчига Кредит шартномасининг шартлари ва муддатларига мувофиқ ушбу Бош суғурта шартномасининг 4-бўлимида кўрсатилган ҳоллардан ташқари кредит бўйича асосий қарзни (фоиз, пеня, жарималардан ташқари) ўз вақтида тўлиқ ёки қисман қайтариш мажбуриятини бажармаслиги ҳисобланади. Узоқ муддат тўламаслик бошланадиган сана бўлиб, Бош суғурта шартномасида келишиладиган Кутиш даврининг охириг кунидан кейинги сана ҳисобланади. Кутиш даври бошланадиган сана бўлиб, тўлов санаси тугагандан кейинги кун ҳисобланади.

3.1.2. Қарздорнинг бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиғига зарар етиши ёхуд вафот этиши;

3.2. Бахтсиз ҳодиса бўлиб қуйидагилар ҳисобланмайди: ҳар қандай турдаги касалликлар, шу жумладан юқумли касалликлар, ОИТВ инфекцияси, ОИТС, таносил касалликларининг барча турлари.

4-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда суғурта қопламасини тўлашни рад этиши мумкин:

- агар Суғурта қилдирувчининг қасддан қилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги суғурта ҳодисаси содир бўлишига йўналтирилган бўлса;

- зарар суғурта шартномасида кўрсатилган “суғурта ҳодисаси” оқибатида вужудга келмаган бўлса;

- суғурта шартномасининг 8.2.4 ва 9.1-бандларида кўрсатиб ўтилган муддатларда мурожаат қилинмаган бўлса (ФК 951-моддаси);

- суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномасининг 3.1.1-бандида кўрсатилган ҳодиса бўйича шартноманинг 9.2-бандида белгиланган қоидалар (шартлар)га риоя қилинмасдан даъво талаблари билдирилган бўлса.

4.2. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, жарималар, пенялар ва кредит шартномасини бажармаганлик учун Қарздор зиммасига ҳисобланган бошқа маблағлар, ўзгалар маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар, даъволар бўйича қопламалар, тўланмаган пуллар бўйича қарзларни ундириш билан боғлиқ суд ҳаражатларга нисбатан Суғурталовчи ҳеч қандай жавобгарлик олиб бормайди.

4.3. Суғурталовчи қуйидагилар натижасида кўрилган ёки юзага келган зарарлар учун мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди:

а) қарздордан ташқари, ҳар қандай учинчи томоннинг тўловга қобилиятсизлиги/молиявий мажбуриятларини бажармаслиги;

б) суғурталовчига хабар қилмасдан суғурта шартномасининг амал қилиши даврида, кредитнинг тўлов санасини, муддатини, кредит шартномасининг бошқа шартларини ўзгартирилиши;

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур Суғурта шартномаси томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга кириши ва 1 (бир) йил муддат давомида амал қилади. Агар мазкур суғурта шартномаси муддати тугашидан 30 кун аввал тарафлардан бири шартномани бекор қилиш талаби билан мурожаат қилмаса, шартнома 1 (бир) йил муддатга узайтирилган ҳисобланади.

6.2. Суғурталовчининг Қарздор бўйича суғурта қопламасини тўлаш юзасидан жавобгарлиги ҳар бир Қарздорга берилган суғурта полисида аке эттирилган суғурта муддати давомида амалда бўлади.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурта шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.2. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

7.2.1. Томонлардан бирининг ташаббусига кўра;

7.2.2. Томонлардан бирининг фаолиятини тугатилиши муносабати билан;

7.2.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа асосларда.

7.2.4. Қарздор кредит шартномаси бўйича олинган барча қарздорликларни муддатидан аввал тўлиқ тўласа, тўланган суғурта мукофотининг суғурта муддати ўтмаган қисми қайтарилмайди, шунингдек бошқа қарздорлар учун суғурта полиси олиши учун ўтказилмайди.

Агар кредит олинмаса, тўланган суғурта мукофоти Қарздорнинг талаби ва наф олувчининг ёзма розилигига асосан, суғурта шартномасининг 3.1.1-банди бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти тўлиқ, 3.1.2-банди бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти ишлатилмаган қисми бўйича мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилиниб аризага мувофиқ қайтарилади.

7.2.5. Томонлар мазкур суғурта шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш талаби билан иккинчи томонни 30 (ўттиз) кун олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Бир томон шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейин ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқлари:

8.1.1. Суғурталовчидан Суғурта шартномасининг талабларини бажараётганлигини текшириши ва суғурта шартномаси бўйича ҳар қандай тушунтиришлар олиши.

8.1.2. Суғурталовчининг розилиги билан Суғурта пули, Суғурта мукофотининг миқдори ва тўлаш тартиби ва Суғурта пулини олишга оид суғурта шартномасининг шартларини ўзгартириши мумкин. Бу ўзгаришлар суғурта шартномасига қўшимча келишув билан расмийлаштирилиши лозим.

8.1.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, суғурта шартномаси ва қоидаларида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиши.

8.2. Суғурта қилдирувчиларнинг мажбуриятлари:

8.2.1. Суғурта шартномаси тузилаётганда Суғурталовчи талабига кўра, суғурта шартномасини тузиш ва суғурта мукофотини ҳисоблаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим этиши.

8.2.2. Суғурта мукофотини суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўланиши назорат қилиши.

8.2.3. Кредит шартномаси бўйича ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича ҳар қандай қарорни қабул қилишдан аввал Суғурталовчининг ёзма розилигини олиши.

8.2.4. Суғурта шартномасининг 3-бўлимида кўрсатилган ходисалар содир бўлган вақтдан бошлаб, дарҳол ҳар қандай ҳолатда 30 (ўттиз) календарь кунидан кечиктирмасдан Суғурталовчини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

кайтариб бериши шарт.

10-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли равишда бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

10.2. Суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармасликлари енгиб бўлмас куч (форс мажор) таъсирида келиб чиққан бўлса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч таъсирида бўлган томон бундай шарт-шароит юзага келганлиги ва қанча давом этиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт.

11-БЎЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

11.1. Ушбу суғурта шартномасидан келиб чиқувчи ёки у билан боғлиқ баҳслар, келишмовчиликлар тарафлар ўртасида келишув йўли билан ҳал этилади.

11.2. Тарафлар ўртасида келишув йўли билан ҳал этилмаганда, низолар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иктисодий судда кўриб чиқилади.

12-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Ушбу суғурта шартномасига киритиладиган барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар ёзма равишда амалга оширилиши шарт.

12.2. Томонларнинг ушбу суғурта шартномасида баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.




12.3. Суғурта шартномаси бўйича томонлар, ҳар бир томоннинг вакиллари ёки ходимлари ушбу суғурта шартномасига алоқадор ҳар қандай маълумотларни ҳар бир томоннинг аввалдан берилган ёзма розилигиз ошкор қилмайдилар.

12.4. Ушбу суғурта шартномаси бир хил юридик кучга эга бўлган ҳамда бир нусхадан Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчида сақланадиган 2 (икки) нусхада тузилди.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| СУҒУРТАЛОВЧИ | СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ |
|---|--|
| «XALQ SUG'URTA» МЧЖ СК | АТ «Халк Банк» Гиждувон филиали |
| Манзил: 100070. Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси, 9 уй. | Манзил: Гиждувон тумани Б.Накшбанд кўчаси 4-уй |
| Х/р: 2021 6000 3049 1548 5001; | Х/р: 2980 6000 2000 0066 6000 |
| МФО: 001132; СТИР: 207 119 228; ОКЭД:65120 | МФО: 00666 СТИР: 201 148 244 |
| Телефон: (65) 2237719 | Телефон: (65) 57 21 976 |
| Факс: (65) | Факс: (65) |

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

| Суғурталовчи номидан | АТ Халк банки Гиждувон филиали юристи: | Суғурта қилдирувчи номидан |
|---|---|---|
| Х.М.Ниёзов  |  | Н.Ш.Исоқулов  |
| М.ў. | | М.ў. |



«20» январ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 09.06.2018 йилдаги 3022-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк Бошқарувининг "Хар Бир — оила тадбиркор" фаолиятини ривожлантириш мақсадида Гиждўвон туман Халқ Банки томонидан кредит тақдим этилаётган Карздорлар рўйхати.

2022 йил "20" январдаги №М03-09/01-14/003- сонли кредитни сўғурта
килиш Бош сўғурта шарт номасига № 01-сонли илова

20.01.2022йил

| № | ИСМ:ФАМ | Полис рақам | Кредит сўмма | Стаховая сўмма | Сўғурта муқофоти | сана |
|---|--------------------------------|-------------|---------------|----------------|------------------|------------|
| 1 | Фармонов Панокул Атоқулович | XS 0338342 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.2022 |
| 2 | Ўбайтдov Жахонгир Бердиёр Угли | XS 0338343 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.2022 |
| 3 | Авезов Гийсжон Бозорқулович | XS 0338344 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.2022 |
| 4 | Нарзиева Гулчеҳра Келдиёрова | XS 0338345 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.2022 |
| 5 | Бахтиқуллова Муҳайё Шодиевна | XS 0338346 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.2022 |
| 6 | Жами: | | 38 350 000,00 | 47 937 500,00 | 719 062,5 | |

Халқ Банки Гиждўвон филиали бошқарувчиси

Н.Ш.Исоқулов



"Халқ сўғурта" МЧЖ СК Бухоро вилоят филиали Гиждўвон туман андеррайтери:



(Имзо) м.у

Х.М.Нийёзов

ФАРМОЙИШ № 01

26.01.2022 йил

Филиал бош ҳисобчисига

АТ Халк банки Гиждувон филиалининг "Халк суғурта компанияси" АЖ Гиждувон туман бўлими томонидан "Хар бир оила тадбиркор" дастури бўйича АТ Халк банки Гиждувон филиали куйидаги мижозлар кредит таъминотлари суғурта мукофоти кўчириб берилсин.

| | | | | | |
|-----------------------------------|------------|----------------------|----------------------|-------------------|-----------|
| Фармонов Панокул Атоқулович | XS 0338342 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.202 |
| Убайтдов Жаҳонгир Бердиёр ўгли | XS 0338343 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.202 |
| Авезов Гиёсжон Бозорқулович | XS 0338344 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.202 |
| Нарзиева Гулчехра Келдиёровна | XS 0338345 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.202 |
| Бахтиқулова Мухайё Шодиевна | XS 0338346 | 7 670 000,00 | 9 587 500,00 | 143 812,50 | 20.01.202 |
| Жами: | | 38 350 000.00 | 47 937 500,00 | 719 062.50 | |

Филиал бошқарувчиси:

Н.Ш.Исоқулов

Давлат Дастурлари

(Аёллар ва оилавий тадбиркорлик) шуба мудир:

Б.Восиев